

**Хизмат кўрсатиш  
ШАРТНОМАСИ №28/07**

Андижон шаҳри

« 28 » июль 2022 йил

«Элмонтажсоз» оқ номидан жамият низомига асосан фаолият юрутувчи раҳбари Н.Н.Алиев, кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритилади, бир тарафдан ва Андижон Давлат Тиббиёт Институти номидан низомга асосан иш юрутувчи ректори М.М.Мадазимов, иккинчи тарафдан, кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади, ушбу хизмат кўрсатиш шартномасини (кейинги ўринларда “шартнома” деб юритилади) кўйидаги мазмунда туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Ижрочи “Биноларнинг ёғоч конструкцияли том қисмларига ёнгинни кийинлаштирувчи кимёвий моддалар билан ишлов бериш. Бажариладиган иш хажми 12900 кв.м. Кимёвий суюклик ПТЛ-ДСЛ коришмасини том ёғоч қисмларига сепиш хизмати” бўйича кўрсатиладиган хизматларни буюртмачининг топширигига асосан бажариш, Буюртмачи эса ушбу хизматларни мазкур шартнома шартларига мувофик қабул қилиш ва хизматлар ҳакини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

**2. Тўлов микдори ва тартиби**

- 2.1. Мазкур шартномага асосан кўрсатиладиган хизматлар учун тўлов микдори (шартнома суммаси) 9 800 000,00 (Тўккиз миллион саккиз юз минг сўм 00 тийин) сўмни ташкил килади.
- 2.2. Мазкур шартномага асосан кўрсатилган хизматлар учун тўловни Буюртмачи кўйидаги тартибда Ижрочининг хисоб рақамига счёт-фактура асосида ўтказиб берилишини таъминлайди:
  - 2.2.1. Шартнома суммасининг 30% (ўттиз) фоиз микдоридаги суммани мазкур тўлов Фазначиликда рўйхатда ўтгандан сўнг, 5 банк иш кунида олдиндан тўлов шаклида;
  - 2.2.2. Мазкур шартноманинг счёт фактурасига асосан тўлов Фазначиликда рўйхатда ўтгандан сўнг, 5 банк иш кунида 70% тўловни амалга оширади.

**3. Хизматни қабул қилиш ва топшириш тартиби**

- 3.1. Мазкур шартноманинг 1.1 бандида белгиланган хизматлар бажарилиши бўйича Ижрочи Буюртмачига жорий ва якуний ишлар бажарилганлик счёт-фактура тақдим этади.
- 3.2. Буюртмачи ишларни бажарилганлик далолатномасини Ижроидан қабул қилиб олгандан сўнг 5 (беш) иш кунида имзо қўйиб қабул қилиб олиши ёки асослантирувчи ёзма далиллар билан Ижроичига қайтариши шарт.
- 3.3. Мазкур шартноманинг 3.2. бандида кўрсатилган муддатда Буюртмачи ишларни бажарилганлик счёт-фактура имзо қўйиб қабул қилиб олмаган тақдирда, асослантирувчи ёзма далиллар билан Ижроичига қайтариб бермаган тақдирда ишлар тегишли тартибда бажарилиб Буюртмачи томонидан қабул килинган хисобланади.

#### **4. Тарафларнинг жавобгарлиги**

- 4.1. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслик ва/ёки лозим даражада бажармаслик бўйича тарафлар конунларда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.
- 4.2. Ижрочи мазкур шартномада кўрсатилган хизматларни бажариш муддатларини 1 (бир) ойгача кечикитирган тақдирда ўз вақтида кўрсатилмаган хизмат кийматидан 1% (бир) фоизи микдорида, хизматларни бажариш муддатлари 1 (бир) ойдан ортиқ муддатга кечикирилган тақдирда, ўз вақтида кўрсатилмаган хизматнинг кийматидан 2% (икки) фоиз микдорида неустойка тўлайди.
- 4.3. Буюртмачи мазкур шартноманинг 2.2. бандида кўрсатилган муддатларда тўловни амалга оширган тақдирда, Буюртмачи Ижрочига кечикирилган тўлов суммасининг 2% (икки) фоизи микдорида неустойка тўлайди.
- 4.4. Неустойка тўлаш тарафларни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод килмайди.
- 4.5. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофик кўлланилади.

#### **5. Шартномани ўзгартириш, кўшимчалар киритиш ва уни бекор қилиш**

- 5.1. Мазкур шартномага тарафлар ўзаро келишув асосида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига зид бўлмаган тарзда исталган вақтда ўзгартириш ва кўшимчалар киритишга ҳакли. Шартнома шартларига ўзгартиришлар тарафларнинг ўзаро ёзма келишуви билан амалга оширилади.
- 5.2. Ижрочи ўз хизматини буюртмачининг ёзма розилигисиз шартнома ёки бошка асосда учинчи шахсларга ўтказиш хукукига эга эмас.

#### **6. Форс-мажор ҳолатлари**

- 6.1. Тарафлар мазкур шартномадан келиб чиқувчи мажбуриятларни ўзларига боғлиқ бўлмаган форс-мажор ҳолатлар сабабли бажармаса ёки лозим даражада бажармаса, шартномадан келиб чиқувчи мажбуриятларни ўташдан озод этиладилар.
- 6.2. Енгиб бўлмас кучлар туфайли мазкур шартнома шартларини бажариш имкони бўлмаган тараф иккинчи тарафни ана шундай вазият юз бергандан сўнг 20 (йигирма) кун ичida далиллар келтирган холда хабардор килиши шарт.

#### **7. Низоларни ҳал этиш тартиби**

- 7.1. Мазкур шартномадан келиб чиқадиган барча низоларни тарафлар ўзаро келишув асосида тинч йўл билан ҳал этиладилар.
- 7.2. Низоларни тинч йўл билан ҳал этишнинг имкони бўлмаган ҳолларда низолар конунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

#### **8. Шартноманинг амал қилиш вақти**

- 8.1. Мазкур шартнома тузилган кундан эътиборан кучга киради. Агар тарафлардан бири шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан 2 (икки) ой олдин шартноманинг амал қилиш борасида бирор ташабbus билан чиқмаса, мазкур шартнома (келаси) йил учун алохига тузилади.
- 8.2. Шартноманинг амал қилиш муддати : 31 декабрь 2022 й.

#### **Якунловчи қоидалар**

- 8.3. Мазкур шартнома тенг юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди ва ҳар бир тараф учун бир нусхадан топширилади.
- 8.4. Ушбу шартнома иловаси шартноманинг ажralmas кисми хисобланади.

## 9. Тарафларнинг реквизитлари

Ижрочи

Буюртмачи

“Элмониажсоз”оқ

Манзил; Анд.шахар Шарк –Юлдуз 93Уй  
Банкнинг номи:  
АТБ «Кишлоккурилишбанк» Анд булми  
МФО: 01037; ИНН: 301653928  
ОКОНХ: 61124  
Хисоб раками: 2020 8000 104 866 118 001

Директор

(имзо, мухр)

Н.Н.Алиев.



АЛТИ

ANDIJON DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI  
ANDIJON SHAHAR, YUSUF OTABEKOV KO'CHASI 1-UY  
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MOLIYA VAZIRLIGI GAZNACHILIGI  
H/R: 23402000300100001010  
MFO: 00014 STIR(ИНН): 201122919  
MARKAZIY BANK BB XKKM TOSHKENT SHAHAR  
ShH/V: 40031020034011094500054001  
STIB(ИНН): 200237442 XXTUT: 92110

Ректор

(имзо, мухр)

Мадазимов



XO'JALIK SHARTNOMASI  
HUQUQIY EKSPERTIZADAN  
O'TKAZILDI.  
2022 й. 28. 07  
HUQUQSHUNOS

Т. Абдувалиев